

БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРГА ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, УНДАН ФЙДАЛАНИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ
КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА № 29-2410

13 01 2022

Қарши шахри
йил.

Қарши шаҳар электр тармоқлари, (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи К.Рахмонов (вазифаси, фамилияси, исми) Қарши шаҳар электр тармоқлари номидан, бир томондан (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда Қ. Раҳмонов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича «Таъминотчи» «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, «Истеъмолчи» эса мазкур шартноманинг 1- иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини қабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.
- 1.2. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро қелишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.
- 1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми 43 333,53 кВт.с ташкил қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

- а) «Таъминотчи»дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)
- б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда сақлашни;
- в) электр энергияси истеъмолчининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимланишини «Таъминотчи»дан талаб қилишга ҳақлидир.
- г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда «Истеъмолчи» уз хоҳишига кура;
- муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ҳақини тулашни рад этишга

г) «Таъминотчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

- а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларнинг «Таъминотчи» билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолчининг ҳисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);
- б) электр тармоқлари, асбоб усқуналарининг тегишли техник ҳолатини ва ҳавфсизлигини таъминлаш;
- в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар ҳақида «Таъминотчи»га ҳабар бериш;
- г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи усқуналарнинг иш режимида риоя қилиш шартноманинг 4- иловасига мувофиқ;
- д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;
- е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

- а) «Истеъмолчи»дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақини тулашини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-қесил ҳисоб-қитобларни амалга оширишни;
- б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни асосиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни «Истеъмолчи»дан талаб қилишга ҳақлидир;
- в) унинг вақили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд бўлганда электр ҳисоблагичларни қуриб текширади;

маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион ҳисобга олиш приборларини режа асосида Давлат қириқтиридан утказмайди ҳамда УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофиқ уларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари;

- а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятлариниш уз муддатда бажарилишини таъминлаш;
 - б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатижан микдордаги электр энергиясинн электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;
 - в) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсатгичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда сақлаш 3-иловага мувофиқ;
 - г) электр энергиясининг «Истеъмолчи»га узлуксиз («Электр усқуналарининг қурилма қоидалари» 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
 - д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида «Истеъмолчи»ни камида 3 сутка олдин огоҳлантириш;
 - е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул қуймаслик ва «Истеъмолчи»га электр энергияси беришнинг режадан ташқари тухтатилиши сабабларини хабар қилиш;
 - ж) «Истеъмолчи»га электр ҳисоблагичларининг амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ алмаштириш муддатларини хабар қилиш;
 - ж) жорий этиладиган чеклашлар хақида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вақтини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар қилиш;
 - з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда «Истеъмолчи»га билдириш.
- и) «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»га (УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Қарорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида ҳисоб-қитоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Қарорига 2-илова) риоя қилинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ -50

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик баҳоси 19,499,998 (19,499,998) сумни ташкил этади. Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табақалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур булмагани учурилади) Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари - 3 ва 6 сонли иловаларда бериледи.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг камида 30 фоиздан кам булмаган микдорда олдиндан ҳақ аванс тарикасида туланади, истеъмол қилинган электр энергияси учун қолган сумма 30 кун мобайнида тулик тулаб бериледи.

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун _____ пул утқизиш йули билан ҳисоб-қитоб қилинади. 1 (ҳисоб-қитоб қилиш шакли курсатилди)

Йил	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	Жами
кВт	14444.44	14444.44	14444.44										43.333
Сум	866666.98	866666.98	866666.98										866666.98

3.4. «Истеъмолчи»нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинганда туланган аванс маблағлари қайтарилмайди, балки истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги ҳисоб-

обларда хисобга олинади.

5. “Истеъмолчи” хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тўлов суммаси аникланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот “Таъминотчи”га _____ гача муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган такдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори “Истеъмолчи” билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аникланади ва тўлов учун “Истеъмолчи”га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)

3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га хисоб-фактура ёзиб беради.

Хар хил тариф гуруҳига таалуқли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари бўйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб кўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилади.

Кисман (тулик хажмда эмас) ҳақ туланганда, “Истеъмолчи” тулов ҳужжатида қайси тариф гуруҳлари бўйича тулов биринчи навбатда амалга оширилаётганини курсатиши керак. Акс холда, “Таъминотчи” тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли ҳақида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли ҳажми бўйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол шилинган электр энергияси бўйича қайта хисоб-китоб қилган холда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблағлар қайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.

3.8. “Истеъмолчи” томонидан тегишли ойга ётказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси ҳажми кийматининг _____ фоизидан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 30 фоиздан кам бўлмасин) бўлмаган микдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда ётказиб берилади. Кичик ва урта бизнес вакиллари, кичик моторли, хусусий тадбиркорлар электр энергияси кийматининг 100 фоизи микдорида олдиндан тулов амалга оширишлари керак.

Яқуний хисоб-китоб эса _____ кун давомида (яқуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин) амалга оширилади. “Истеъмолчи” да электр энергияси учун _____ кундан ортиқ (муддати юқорида курсатилган) муддати утган қарздорлиги мавжуд бўлганда, аванс тулови тарикасида туланган маблағлар муддати утган қарздорликни бартараф этишга йўналтирилади ва аванс тулови тарикасида хисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” бир неча тариф гуруҳига эга бўлса, у олдиндан тулов ҳужжатида тариф гуруҳи бўйича электр энергияси суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, “Таъминотчи” тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

3.9. Узил-кесил хисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган такдирда “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган “Истеъмолчи”лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида, “Таъминотчи” электр энергияси ётказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган холда хизмат кўрсатувчи банк орқали хисобот ойида ётказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Электр энергиясини ётказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофиқ.

«Таъминотчи» буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтари юритилади.

4.3. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини ётказиб бериш микдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом бўлишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар қелишувига мувофиқ йўл қўйилади.

5.2. «Истеъмолчи» билан қелишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ унта дарҳол хабар берган холда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга «Таъминотчи» тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун қечиктириб бўлмайдиган чораларни қуриш зарур бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми кийматининг камида 30 фоизини олдиндан туламаганда;

хисоб-китоб оyi тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд бўлганда;

«Истеъмолчи» электр энергияси тармогига узбошимчалик билан уланганда ёки кувват шартномада келишилган микдордан оширилганда;

«Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол килинадиган энергияни хисобга олиш приборларига эга булмаганда;

«Таъминотчи»нинг вакили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида хисоблаш приборларини куришга асоссиз куйилмаганда, «Таъминотчи» электр энергияси беришни тухтатиб куйиш ҳукукига эга булади.

5.4. «Истеъмолчи»да хисобга олиш прибори булмаганда; хисобга олиш прибори «Истеъмолчи»нинг айби билан шикастланганда; хисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки хисоблагичдан ташкари нагрузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда «Истеъмолчи» 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармогидан узиб куйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб куйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин булган, алохида ҳавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун хисоб-китоб килиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора тadbирлари тугрисида) ги 511-сон Қарор низомининг 1-илбвасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган қарзлари вужудга келган тақдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб куйиш эса фақат суд қарорига қура амалга оширилиши мумкин. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми хисобланади. (7-иловага мувофиқ)

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фойздан қу микдорда электр энергияси етказиб берилмаган ҳолларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фойзи микдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси қийматининг 50 фойзидан ортиқ булмаслиги қерак. Пеня туланиши «Таъминотчи»ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фойзи микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фойзидан ортиқ булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. «Истеъмолчи»нинг тақлифига қура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан қеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг узгартирилиши электр энергиясини қам олиш ёки ортиқча олиш деб хисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Қелишмовчиликлар ва низоли масалалар қелиб қикқан тақдирда томонлар, қоидага қура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли қораларни қурадилар.

Томонлар қелишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муружаат қилишга қам ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Мазкур шартномага узгартиришлар (қушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан қейин бажарилиши қерак.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вақил қилинган вақиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий хисобланади.

9.3. Ушбу шартнома иқкала томонлама имзоланиб ҳудудий Ғазначилик бўлинмасида руйхатдан утказилгандан сунг қонуний қучга киритилиб, руйхатдан утказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг "31" 11 гача амал қилади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тухтатилади.

Х. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхалари тенг юридик қучга эга.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминловчи»

«Истеъмолчи»

Қарши шаҳар электр тармоқлари

(ижрочининг номи)

манзили Қарши шаҳри

Туркистон кучаси 58 уй

тел\факс 225-40-45

х\р 22636000900177786343

банк номи Узсаноатқурилиш банк

МФО 00854 ИНН 200666494

ОКОНХ 00854 Ғазначилик бўлинмаси номи

Қарши шаҳар шаҳри
(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили Қарши шаҳри

А. Ҳабибulla шох кўчаси

тел\факс 91-965-00-88

шх\р 100021860109017101203344001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 305890512

ОКОНХ 86100

Молия вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в 23402000300100001010

МФО 00014


Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар: К.Раҳимов
(Ф.И.Ш.)

(имзо)



М.Ў.



(имзо)

М.Ў.

Ҳуқуқшунос хулосаси:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси ва 29.08.1998 йилдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида"ги қонун талабларига тулик жавоб беради.

Ҳуқуқий маслаҳатчи: _____

(имзо)

Н. Раҳимов
(Ф.И.О.)

« _____ » _____ 20 _____ йил.